



УДК 631.6: 631.8: 628.179 (999.3)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА ЎРГАНИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Умирзоқов Ўролбек Ёрқул ўғли

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети маркетинг ёналиши 4-курс талабаси

Джорайев Илҳом Раимжон ўғли

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети ахборот тизимлари ва технолагиялари ёналиши

3-курс талабаси

Аннотация: Республикамиз иқтисодиётини ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш жуда муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш эса ўз навбатида унинг илмий асосларга таяниб иш юритади. Бугунги кунга келиб бу борада соҳани ривожлантиришда жуда кўплаб чора тадбирлар олиб борилмоқда.

Калит сўзлар: ақлли қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириш ва агробизнес, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамли платформа, агробизнес.

Аннотация: Экспорт сельскохозяйственной продукции играет очень важную роль в развитии экономики нашей республики. Совершенствование системы экспорта сельскохозяйственной продукции, в свою очередь, базируется на ее научных основах. На сегодняшний день в связи с этим в развитии отрасли принимается много мер.

Ключевые слова: умное сельское хозяйство, цифровизация и агробизнес, продовольственная безопасность, цифровая платформа, агробизнес.

Abstract: Export of agricultural products plays a very important role in the development of the economy of our republic. Improving the system of export of agricultural



products, in turn, is based on its scientific foundations. To date, many measures are being taken in this regard in the development of the sector.

Keywords: smart agriculture, digitalization and agribusiness, food security, digital platform, agribusiness.

Экспортчиларнинг халқаро бозорларда эгаллаган позицияси мустаҳкамлиги уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатбардошлиги ҳамда рақобатлаша олиш имкониятлари билан ўлчанади. Бугунги кунда жаҳон озиқ-овқат бозорларига ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчилар олдида турган энг муҳим вазифалардан бири – бу маҳсулотларнинг рақобатбардошлик даражасини баҳолай олиш ва тўғри аниқлашдир.

Озиқ-овқат маҳсулотлари рақобатбардошлигини аниқлашни қуйидаги босқичлар бўйича амалга ошириш мумкин.¹

1. Бозор конъюнктурасини ўрганиш (талаб ва таклиф кўрсаткичлари, бозор мувозанати, нархлар, бозор сиғими, бозорнинг товар ва жуғрофий таркиби, сотиш каналлари, реклама).

2. Маҳсулотлар рақобатбардошлигининг истеъмол (товарнинг нафлилиги, сифат кўрсаткичлари, дизайни, қадоқланиши, сотишдан олдинги ва кейинги сервис) ва иқтисодий (товар таннархи, материал сиғими, меҳнат сиғими, энергия сиғими, фонд қайтими, фонд сиғими, фойда, рентабеллик даражаси ва бошқалар) кўрсаткичларини тизимли таҳлил этиш.

3. Рақобатчиларни ўрганиш ва таққослама таҳлил этиш асосида уларнинг рақобат устунликлари ва заифликларига баҳо бериш.

4. Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

Рақобатбардошлик биринчи навбатда бозорга таклиф этилаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини акс эттиради. Сифат параметрлари одатда

¹ Ходиев Б.Ю., Курбанбекова М.Т. Мева-сабзаёт маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш орқали мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари // Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маъруза тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, 2018. - 510 б.

ишлаб чиқарувчининг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланса, рақобатбардошлик параметрлари биринчи навбатда истеъмолчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб аниқланади.

Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорларига экспортга чиқариш борасида улкан салоҳият мавжуд бўлишига қарамай ҳали бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланилгани йўқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти динамикасида барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмайди, кўп ҳолларда бу йилнинг қандай келишига боғлиқ ҳолда тебраниб туради. Албатта бу ҳолат об-хавонинг қулай ёки ноқулай келиши, сув таъминотидаги қийинчиликлар ва бошқа табиий омилларга ҳам боғлиқ.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти соҳасидаги имкониятларимиз ва устун тарафларимиз билан бирга камчиликларимиз ва хатарлар ҳам мавжуд:²

- жаҳон бозорларида мева-сабзавот маҳсулотларига кўйиладиган сифат стандартлари, техник, санитария, гигиеник, фитосанитария, экологик ва бошқа талабларни ISO ва Global GAP стандартлари доирасида мамлакатимизда жорий этиш етарли эмаслиги;

- экспорт коридорларида инфратузилма объектлари, сервис ва транспортлогистика тизимлари ривожланишининг талаб даражасида эмаслиги;

- божхона постларининг техник қуролланиши, юк ўтказиш, сақлаш ва хизмат кўрсатиш имкониятлари пастлиги;

- мева-сабзавотчиликни механизациялаш даражасининг пастлиги, мевасабзавотлар ҳосилдорлигини нисбатан паст даражада қолаётганлиги;

- мева-сабзавотларни узоқ сақлаш ва узоқ масофаларга ташиш имконияти юқори бўлган навлари, уруғликлар етишмаслиги;

- мева-сабзавотларни саралаш, калибровкалаш, чиройли қадоклаш ва дизайнни яхшилаш бўйича ишларнинг қониқарсизлиги;

² Халиков С., Юсупов М.С. Ўзбекистондан мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқариш имкониятлари // Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишда халқаро стандартларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалари ва маъруза тезислари тўплами. 2018 йил 18 декабрь. - Т.: Иқтисодиёт, 2018. - 510 б.



- маҳсулотларни бир хил температурада сақлаб берувчи махсус совуткичли омборлар сиғимининг етарли эмаслиги;

- мева-сабзавотларни узок масофаларга рефрижераторлар ёрдамида ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаганлиги;

- кўпчилик фермерлар ва деҳқонларни жаҳон бозорларидаги нарх-наво ва рақобат муҳити, экспортни амалга ошириш тартиблари тўғрисида керакли билим ва кўникмалар ҳамда ишончли ахборотларга эга эмаслиги;

- республикада мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаганлиги ва бошқалар.

Экспортчи корхоналар, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларининг жаҳон бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлашда кўйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим:

- экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини янада ривожлантириш;

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;

- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истикболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида маълумотлар билан таништириш;

- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш;

- иқтисодиётнинг барча жабҳаларида рақобатдош ва илм талаб инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;

- хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўламини янада кенгайтириш;

- халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатнинг турли ҳудудларида кўшма корхоналар яратилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан савдо – иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада кучайтириш;

- халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш харажатларини камайтириш.

Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бундай масалаларнинг ўз вақтида бартараф этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида самарали иштирок этиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ҳақида гап кетганда албатта маркетинг ва шунга боғлиқ бўлган кадрлар масаласини четлаб ўтиб бўлмайди, чунки корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларни чет давлатларга экспорт қилиш жараёнида ушбу масалалар жуда долзарб ҳисобланади. Бозор алоқалари ва муносабатлари олди-сотди акти сифатида оддий товар айирбошладан тубдан фарқ қилади. Бу авваламбор товар-пул муносабатларининг такрор ишлаб чиқаришнинг мумкинлиги ва зарурлиги ҳамда товар хўжалигини юритишнинг шароитларида кўринади.

Умумий ҳолда тегишли метод ва усуллардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ўзгариши ҳамда унга таъсир этувчи омиллар тизимли равишда таҳлил этилди. Шунингдек, аграр соҳа экспортининг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда иқтисодиётга таъсири тадқиқ этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Танқидий таҳлил, қайий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган



иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь, 1-бет.

2. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // Вестник Финансового университета, 1999, №3

3. Шиббаев М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015, № 5-1.

4. Касаткина Е. А., Градобоев В. В. Основные черты международной маркетинговой политики в современных условиях. Транспортное дело России, 2012, №6-1

5. Шейман С. В. Нужны ли бизнесу маркетинговые исследования// Мониторинг общественного мнения: экономические и социальные перемены. № 4 (84). 2007

6. Ш. Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қоидаси бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон, 2017.

7. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.

8. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005. – 273 б.

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz
2. www.press-service.uz
3. www.fao.org